



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 30 (12.091)

Баҳоси эркин нарҳда

БАРКАМОЛ АВЛОД – МАМЛАКАТИМИЗНИНГ МУСТАҲҚАМ ТАЯНЧИ

Президент Ислоҳ Каримов раислигида 10 февраль куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Мамлакатнинг кудратини белгилайдиган омилар кўп. Бироқ уларнинг энг асосийларидан бири шу юртда вояга етаётган юсак маънавиятли, жисмонан соғлом, ҳар томонлама баркамол авлоддир. Зеро, эл-юртнинг келажаги бугун камолга етаётган ёшлар қўлида. «Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори авваломбор фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир», деб таъкидлайди Президентимиз Ислоҳ Каримов «Юсак маънавият – енгилмас куч» китобида.

Ана шу эзгу мақсадларни амалга ошириш мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлидаги давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан этиб белгиланди. Қадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ёш авлодни юсак интеллектуал салоҳиятли, замонавий билим ва тафаккурга эга, айна пайтда соғлом турмуш тарзида риоя қиладиган, жисмонан соғлом, руҳан тетик инсонлар этиб вояга етказишнинг самарали тизими ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Бу жараёнда ўғил-қизларимизни жисмонан соғлом, кучли ирода ва юсак интеллектуал салоҳиятга эга инсонлар этиб тарбиялашнинг бош омили, ўзбек спортининг келажаги, халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришнинг асоси бўлган болалар спортини ривожлантириш умуммиллий ҳаракатга айланган.

Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, ёшлар ўртасида спортни оммалаштириш, болалар спортини ривожлантиришнинг ноёб тизимига асос солинди. Давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги ва 2004 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари болалар спортини ривожлантиришда муҳим дастуруламал бўлаётди.

Ислоҳ Каримов Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганидан буён ўтган даврда бу соҳада мамлакатимизда катта тажриба тўпланганини алоҳида қайд этди. Бугун юртимизда соғлом ва баркамол авлод вояга етаётгани, ўз истеъдоди ва маҳорати билан жаҳон ареналарида улкан муваффақиятларни қўлга киритаётган кўпгина ёш спортчилар етишиб чиқаётгани спортни, хусусан болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасидир.

– Биз мазкур жамғарма орқали аввало соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёш наслимизни турли салбий таъсирлардан асраш, болалар спортини оммавий, умумхалқ ҳаракатига айлантиришдек олижаноб мақсадларни қўзлаганмиз, – деди давлатимиз раҳбари. – Чунки бугун униб-ўсиб келаётган фарзандларнинг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улғу, энг муқаддас мақсад, деб билган мамлакатгина халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллай олади.

Мажлисда Ҳомийлик кенгашининг 2011 йил 25 февралда бўлиб ўтган йиғилишида белгилаб берилган вазифаларнинг ижроси атрофида таҳлил этилди. Болалар спортини иншоотлари ва сузиш ҳавзаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, қизларни спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб қилиш, болалар спортини объектлари ва спорт залларини зарур спорт анжомлари ва инвентарлари билан жиҳозлаш бўйича ўтган йил давомида амалга оширилган ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Шаҳар ва қишлоқларимизда болалар спортини янада ривожлантириш мақсадида ўнлаб замонавий спорт мажмуалари ва стадионлар бунёд этилди. 2011 йилда манзилли қурилиш дастурида болалар спортини объектлари, мусиқа ва санъат мактаблари барпо этиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича белгиланган топшириқлар тўла бажарилди. 214 объект, жумладан 130 спорт иншооти, 19 сузиш ҳавзаси ва 65 болалар мусиқа ва санъат мактаблари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

– Мамлакатимизда ҳар йили турли соҳаларда юзлаб янгидан-янги объектлар бунёд этилмоқда, аммо фарзандларимиз келажагига, уларнинг баркамол улғайишига хизмат қиладиган болалар спортини объектларини қуриш мазмун-моҳиятига кўра – алоҳида масала. Чунки бу ерда фарзанднинг спорт билан шуғулланиб, ҳар томонлама соғлом улғайиши, фикрлаши, ақлий салоҳияти, жисмоний имконияти ошиб бораётганини кўрган ота-она борки, ўзини бахтли ҳис этади, ҳаётини рози бўлиб яшайди, – деди давлатимиз раҳбари.

Мазкур жамғарма тузилгандан буён 1400 дан зиёд замонавий болалар спортини объекти фойдаланишга топширилди. Бу эзгу ишга юртимиздаги қатор компания ва ташкилотлар, корхоналар ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Йиғилишда «Ўзбекнефтегаз», «Ўзбекистон темир йўллари», «Ўзавтосаноат» компаниялари, Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари, Ташқи иқтисодий фаолият миллий бан-

ки, «Асакабанк» каби жамғармага ҳомийлик қилишда жонбозлик кўрсатаётган ташкилотлар номи алоҳида таъкидланди.

Аник мақсадга йўналтирилган бу эзгу саъй-ҳаракатлар натижасида мамлакатимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўқувчилар ўртасида спорт билан шуғулланувчилар 2008 йилдаги 29,2 фоиздан 2011 йилда 34,9 фоизгача, жумладан қиз болалар ўртасида 24,1 фоиздан 31,4 фоизгача ошди.

Бугун республика ва халқаро мусобақаларда иштирок этаётган ўғил ва қизларнинг сафи тобора кенгаймоқда, улар томонидан қўлга киритилган совринлар миқдори аниқсиз сўнгги йилларда сезиларли даражада кўпайди. Жаҳоннинг энг йирик ва нуфузли спорт мусобақаларида Ўзбекистон вакиллари кенг ва фаол иштирок этмоқда. Бир пайтлар юртимиз спортчилари фақат орзу қилган Олимпиада мусобақалари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида бугун истиқлол фарзандлари – ёш спортчиларимиз совринли ўринларни қўлга киритаётди.

Халқаро мусобақаларда спортчиларимиз 2008 йилда 103 медалга (51 олтин) лойиқ топилган бўлса, 2011 йилда 182 медал (60 олтин) жамғарди. Сув спортини турлари билан шуғулланганидан ёшларимиз энг кўп медал олгани алоҳида эътиборга сазовор. Масалан, қорақалпоғистонлик Абуабдури Узақбаев Сингапурда академик эштак эшиш бўйича ўтказилган Осиё кубоги мусобақасида олтин медални қўлга киритди.

Мексикада бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ёш футболчиларимиз кўрсатган натижа ҳам таҳсинга лойиқдир. Ўсмирлар терма жамоамиз дунёнинг энг кучли 24 терма жамоаси қаторида иштирок этиб, Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилди. Шунингдек, 2011 йилда моҳир спортчимиз Ришод Собиров Париж шаҳрида ўтказилган дзюдо бўйича жаҳон чемпионатида олтин медалга – иккинчи бор жаҳон чемпионлигига эришгани, Қаршининг «Насаф» жамоаси Осиё футбол конфедерацияси кубогини қўлга киритгани, дзюдо бўйича мутлақ вазн тоифасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Абдулла Тангриев жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлгани бугун ўзбек спортининг нақадар ривожланиб, юксалиб бораётганидан далолатдир.

Ўзбекистон қўллаб нуфузли халқаро мусобақаларга мезбонлик қилмоқда. Ўтган йили Тошкентда бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи мусобақалари ва «Нарру Саған» халқаро турнири муваффақиятли ўтказилди. Тошкентда шахмат бўйича икки жаҳон чемпиони – ўзбекистонлик Рустам Қосимжонов ва ҳиндистонлик Вишванатан Ананднинг ўртоқлик учрашуви юсак савияда ташкил этилди. Мазкур учрашув доирасида Вишванатан Ананд ёш шахматчиларимиз билан семинар-тренинг ўтказди ҳамда уларнинг истеъдод ва маҳоратини эътироф этди.

Давлатимиз раҳбари спорт бугун юртимиз таълим-тарбия тизимининг узвий қисмига айланганини алоҳида қайд этди. Спортни таълим-тарбия билан мутаносиб равишда изчил ривожлантириш – бу биз танлаган йўлнинг ажралмас қисмидир.

Ёшларимиз орасида сузиш, байдарка ва каноэда эштак эшиш, академик эштак эшиш, дзюдо, бадий гимнастика, футбол, мини-футбол, стол тенниси, кураш, юнон-рум кураши, бокс, енгил атлетика сингари спорт турларига қизиқиш тобора ортмоқда.

Қизларни спортга жалб этиш, уларнинг оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш болалар спортини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидандир. Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётган «Соғлом она – соғлом бола» мақсадли дастурини амалга оширишда қизларни спортга жалб этиш масаласи алоҳида ўрин тутди. 2011 йили Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она – соғлом бола» мавзусидаги халқаро симпозиумда Ўзбекистонда саломатлиқни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутадиган спортни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилаётгани Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан юсак баҳоланди.

Спортнинг нафис тури – бадий гимнастика ва спорт гимнастикаси жадал ривожланмоқда. Қизларнинг спорт билан шуғулланиши учун, аниқсиз, қишлоқларда тегишли шарт-шароит яратиш мақсадида бадий гимнастикага мўлжалланган ўнлаб янги спорт мажмуалари бунёд этилди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги замонавий спорт иншоотларида бадий гимнастика секциялари ҳамда клублари фаолияти йўлга қўйилди.

Қизларни спортга жалб этишда Хоразм, Бухоро, Андижон вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридаги кўрсаткичлар эътиборга моликдир.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 1 апрелда қабул қилинган «Қишлоқ жойлардаги болалар спортини объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳ-

натини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қизларни, аниқсиз қишлоқ жойлардаги қизларни спорт билан шуғулланишга фаол жалб этиш, болалар спортини объектлари учун юқори малакали, профессионал аёл устоз кадрларни тайёрлаш, уларнинг меҳнатини моддий рағбатлантиришда муҳим омил бўлаётди.

Спорт объектларини мураббий кадрлар, аниқсиз мураббиялар билан тўлдиришга қаратилган ушбу амалий саъй-ҳаракатлар натижасида аёл спорт устозлари ўтган йилнинг ўзида 1,6 баробардан кўпроқ ошди.

Қизларнинг спорт билан шуғулланиши уларнинг нафақат саломатлигида, айна пайтда қадди-қомати тўғри шаклланишида, юриш-туришида нақадар муҳим аҳамият касб этаётганини бугун ота-оналарнинг ўзлари қувонч билан таъкидлашмоқда. Қизларимизнинг мана шундай соғлом бўлиб улғайиши эртанги кунимизнинг, дунёга келадиган баркамол авлоднинг муҳим омиларидандир, деди Ислоҳ Каримов.

Президентимизнинг ташаббуси билан ўтказиб келинаётган уч босқичли спорт ўйинлари – «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада Ўзбекистон байроғини балан кўтарадиган, юрт шаъни, халқ ғурури учун курашадиган маҳоратли спортчиларни тарбиялашда ўзига хос мактаб вазифасини ўтамоқда. Ҳар йили мазкур мусобақаларда кашф этилаётган юзлаб ёш спортчилар халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётди.

Спорт ёшларимиз ҳаётига тобора чуқур кириб бораётгани, минглаб йигит-қизлар спорт билан шуғулланиши кундалик вазифасига айлантиргани уларнинг жисмоний ҳолатига, саломатлигига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, 2005-2011 йилларда мутлақ соғлом болалар мамлакат бўйича 52,7 фоиздан 62,9 фоизгача ўсди, сурункали касалликларга чалинган болалар сони эса кескин камайди. Ўғил ва қиз болаларнинг ўртача бўйи ва вазни ошмоқда. Ҳарбий хизматга қаққирланган ёшлар орасида хизматга лойиқ деб топилганлар сезиларли даражада ортгани ҳам бу борадаги ишларнинг амалий натижасидир.

2011 йилда «Болаларни асрайлик» халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингига Ўзбекистон болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта гамхўрлик кўрсатаётган энг илғор етакчи ўн мамлакат қаторига киритилгани юртимизда баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги амалий саъй-ҳаракатларнинг яна бир халқаро эътирофи бўлди.

– Болаларни 3-5 ёшдан спортга жалб этиш катта аҳамиятга эга, – деди Ислоҳ Каримов. – Чунки айна шу даврда ҳар бир боланинг характери шакллана бошлаётди, ҳаётга теран кўз билан қарашга ўрганади. Спортга меҳр қўйган бола бир умр спортга ошно бўлиб қолади. Спорт боланинг нафақат саломатлигини мустаҳкамлайди, балки зарарли иллатлардан уни ҳимоялайди, характерини тоблайди.

Юртимизда ўтган йилларда спорт мажмуалари бунёд этиш борасида улкан тажриба тўпланди. Бугун энг чекка ҳудудларда қад ростлаётган спорт иншоотлари ҳам халқаро талабларга тўла жавоб беради. Спорт мажмуаларининг деярли барчаси юртимизда ишлаб чиқарилган спорт инвентарлари билан жиҳозланмоқда.

Айна пайтда мамлакатимизда қарийб 30 замонавий корхонада спорт товарлари ишлаб чиқарилмоқда. Маҳаллийлаштириш дастурларини амалга ошириш натижасида болалар спортини иншоотларини жиҳозлашда ишлатиладиган 120 турдаги спорт ускуна ва анжомларининг 113 тасини мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Президентимиз спорт анжомларини ўзимизда ишлаб чиқаришни ўзлаштириш билан бирга, уларнинг сифатига алоҳида эътибор қаратиш, кўриниши болаларни ўзига тортадиган, қўлай ва хорижикидан қолишмайдиган спорт инвентарлари ишлаб чиқаришни қўпайтириш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда болалар спорт иншоотларини қуриш, уларни жиҳозлаш борасида йўл қўйилаётган айрим камчиликлар ҳам кўрсатилиб, уларни бартараф этиш зарурлиги таъкидланди.

Мажлисда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг истиқболдаги фаолияти билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситинова, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори А.Очилов, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.Икромов, маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Ж.Ақромов, қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг ахборотлари тинланди.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Хусниддин БЕРДИЕВ, ЎЗА муҳбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

- Жиззах политехника институтида «Хотин-қизлар кўмитасининг бошланғич ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш» мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Жиззах шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда корхона ва муассасалар хотин-қизлар ташкилотларининг раислари, бошланғич ташкилотлар етакчилари иштирок этди.
- Сурхондарё вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йигув пунктида қатъий танлов асосида саралаб олинган йигитларни муддатли ҳарбий хизматга қузатиш маросимини бўлиб ўтди. Унда маҳаллий ҳокимият ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбий хизматчилар, ота-оналар қатнашди.
- Избоскан туманидаги Даминбойчек маҳалласида «Марс инвест текс» масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлади. Корхонага 200 миллион сўм эвазига хориждан йилга 150 минг дона кийим-кечак ишлаб чиқариш қувватига эга илғор ускуналар келтириб ўрнатилди. Ўтган вақт мобайнида жамият аҳли 2 миллиард сўмликдан зиёд бежирим кийим-кечаклар тайёрлашга муваффақ бўлди.
- Қарши шаҳрида «Агора» савдо мажмуаси қурилиб фойдаланишга топширилди. Мазкур мажмуада 450 та замонавий савдо дўкони мавжуд. Эътиборлиси, бу ерда харидор ва сотувчилар учун барча шарт-шароит яратилган.
- Ҳазилқент хизмат кўрсатиши ва иқтисодий касб-ҳунар коллежида Бўстонлик тумани Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда меҳнат ярмаркаси ташкил этди. Тадбирда ҳудуддаги 30 га яқин корхона томонидан 500 дан ортиқ бўш иш ўринлари таклиф этилди. Ярмарка якунида 200 нафардан зиёд битирувчига ишга жойлашиш учун йўлланма берилди.

ЖАҲОНДА

- Греция парламенти Европа Иттифоқи томонидан тайёрланган кредит битимини қабул қилди.
- Ироқда бир кеча-кундузда 200 минг баррел нефтни ўтказиш қувватига эга янги терминал ишга туширилди.
- Кеча Туркия ҳарбий ҳаво кучлари Ироқ шимолидаги қурд жангарилари жойлашган ҳудудга зарба берди.
- Ўтган йили сомалилик қароқчилар томонидан жаҳон иқтисодийига ўрта ҳисобда 6,6 – 6,9 миллиард АКШ доллари миқдорига зарар етказилган. Ушбу маблағнинг 80 фоизи денгиз орқали хизмат кўрсатувчи компаниялар, қолгани ҳукуматлар ҳиссасига тўғри келган.
- Афғонистон жанубида НАТО вертолётининг ҳалокатга учраши натижасида тўрт киши ҳаётдан кўз юмди.
- Афина шаҳрида рўй берган тартибсизликлар натижасида 13 та жойда ёнғин қикди, намоийшчилар ва полиция ходимларидан 50 киши жароҳатланганлиги туфайли касалхоналарга ётқизилди.
- Польшада ҳукм сураётган қаҳратон қиш 99 кишининг умрига зомин бўлди.
- 2011 йилнинг октябрь-декабрь ойларида жаҳондаги энг йирик мобил алоқа операторларидан бири – Буюк Британиянинг «Vodafone» компанияси даромади 2,3 фоизга пасайган. Бу қарийб 14 миллиард еврони ташкил этади. Мазкур салбий ҳолатга Европада, жумладан, Испания, Италия ҳамда Грецияда ҳозиргача сақланиб турган молиявий-иқтисодий инқироз сабаб бўлмоқда.

Алоқа

СИФАТЛИ ХИЗМАТ САМАРАСИ

Кейинги йилларда УЗИНФОКОМ маркази томонидан амалга оширилган лойиҳалар алоқа тизимининг муҳим тармоқларига бағишланди. Маълумот маркази ҳам энг яхши техник ишланмалардан бири сифатида баҳоланди.

Мижозларга халқаро маълумот алмашиш тармоқларига юқори тезликда сифатли улашниши таъминлашда ундан фойдаланилади. Шу билан бирга, Марказда захира алоқа канали ҳам кўзда тутилди.

Мижозларга хизмат кўрсатиш пакетига маълумотларни захиралаш учун махсус серверда жой, тармоқаро экран, автоматик равишда амалиёт тузилиши ўрнатилган имконияти каби бир қатор қўшимча хизматлар ҳам киради.

Бугунги кунда маълумотлар марказининг хизматларидан Иқтисодиёт, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, қатор ахборот агентликлари, электрон тўлов тизими операторлари фойдаланмоқдалар.

МИЖОЗЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Юк тушириш ва ортиш, юк жўнатиш, вагонларни ўз вақтида etkazib бериш, ҳаракат ҳавфсизлигини таъминлаш темир йўл фаолиятининг муҳим вазифаларидан саналади. Бу борада «Салор» темир йўл бекатида ҳам самарадорликка эришилмоқда.

«Ўзқабель», «Тошкент лок-бўёқ» заводлари ҳамда «Тошкенткизилма-чиқораметалл» очик акциядорлик жамияти каби корхоналарнинг огирини энгил қилишда ҳам «Салор» бекати жамоасининг хизмати катта бўлаётди.

Бекатда кўрсаткичлар тобора ошишида, темир йўлда ҳавфсизлигини таъминлаш, юкларни ўз вақтида миқдорларга етказиш учун вагонларни ҳозирлаш каби юмушларни адо этишга қатъ-

ий риюя қилиниши ўз ижобий натижасини бераётди.

Юкни қабул қилиб олиш ва толпириш учун масъул бўлган темирйўлчилар меҳнати муносиб тақдирланмоқда.

Шунинг ҳам айтиш ўйиш жоизки, миқдорларга қулайлик яратиш мақсадида шу ернинг ўзида келтирилган юк ҳужжатларини расмийлаштирадиган божхона бўлиниши хизмати ҳам йўлга қўйилди.

Ақбар АЛИЕВ

Давлат ахборот ресурсларини ҳисобга олишни такомиллаштириш, уларнинг рўйхатини кенгайтириш ва интерфаол давлат хизматлари кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида 2012 йил 1 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жойларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш учун шaroитлар яратишга доир чоратadbирлар тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойилларида мамлакатимизда жажон ахборот ҳудудига интеграциялашув ишларини изчил ва жадал амалга оширишда ахборот-коммуникация технологияларини жамиятимизнинг барча соҳаларига кенг жорий этиш назарда тутилган.

Бу борада белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида «Компьютерлаштириш марказлари» давлат унитар корхоналари ташкил этилмоқда. Уларнинг зиммасига замонавий халқаро тенденциялар ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясига мувофиқ жойларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш чора-таadbирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси юкланган.

Маъмур марказлар фаолиятига ахборот ресурсларини бошқариш ва янгилаш, ҳудудларда яратилган ва яратилаётган давлат ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини рўйхатдан ўтказишга кўмаклашиш ҳам киради. Бунда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари веб-порталларини мунтазам янгилаб бориш, давлат хизматларини интерфаол, жумладан, «ягона дарча» тамойили бўйича кўрсатиш ишларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилади. Тегишли ҳудудда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг мавжуд ҳолати ва истиқболини мунтазам таҳлил қилиш ва унинг натижалари асосида маъмур соҳани янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ушбу марказлар фаолиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигидан маълум қилишларича, ташкил этилаётган «Компьютерлаштириш марказлари» давлат унитар корхоналари фаолиятини меъёрий-услубий бошқариш маъмур агентлик томонидан амалга оширилади. Шу ўринда таъкидлаш кераки, давлат ах-



«Ўзэлтехнаоат» уюшмаси тизимидаги «Neo sun Light» Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган энергия тежовчи лампалар сифати ва рақобатбардошлиги билан харидорини топмоқда. Замонавий технологиялар асосида тайёрланаётган маъмур лампалар узок муддат хизмат кўрсатиши ҳамда тежамкорлиги билан ажралиб туради.

АХБОРОТ ГЛОБАЛЛАШУВИ ВА ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ

Дунёда юз бераётган воқеаларни инобатга олсак, ҳали онги, ҳаётий қарашлари шаклланиб улгурмаган ёшларни «чалғитишга қаратилган гаразли кучлар интернет имкониятларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уринаётгани ва бундай ҳаракатларнинг қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини эътибордан четта қолдириб бўлмайди. Мамлакатимиз Президентини қўнчоқлик билан таъкидлаганидек, жамиятда тиҷчик ва барқарорликни издан чиқаришга, ўзаро адоват ва тўқнашуларга сабаб бўладиган бундай ҳатарларнинг олдини олишнинг битта йўли бор: Ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, оқин қорандан, дўстни душмандан ажратишга қодир бўлган, миллатимизнинг қандай бой тарих ва меросга эга эканлигини англаб етadиган, имон-эътиқодли, миллий ва умминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида мамлакатимизда соғлом дунёқараш ва мустақил тафаккурга эга бўлган ёшларни воғга етказиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Хусусан, буюк алломағаримимизнинг бой маънавий меросини ўрганиш, ёшларга етказиш, миллий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлашга, маънавият ва маърифат масканлари, кутубхона, ахборот-ресурс марказлари ва таълим даргоҳларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари би-

«Маърифат марказининг мажлислар залида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ва Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамкорлигида «Ахборот глобаллашуви ва ёшлар маънавияти» мавзусида анжуман ўтказилди.

лан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тadbирда мураккаб глобаллашув даврида бутунжаҳон Интернет ахборот тармоғи, мобил алоқа тизими, компьютер ўйинлари, видео ва кино махсулотлари орқали «оммавий маданият» никоби остида миллий манфаатларимиз, мафкурамиз, маънавий-ахлоқий қарашларимизга ёт зарарли ғояларни ёшлар онгига синдиришга уриниш каби иллатлар учраётгани, ҳар бир инсон турли хилдаги, фойдали ва зарарли ахборотлар таъсирини учрашиши шиддат билан кўпайиб бораётган ахборот оқимидан фақат фойдали ахборотларни ўзлаштириш, хатарли ахборотлардан ўзи ва атрофдагиларни асраши учун нималарга эътибор бериш кераклиги тўғрисида атрофича маълумот берилди.

Тadbирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Жўрабоев, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Бош ди-

ректори Х. Муҳитдинов, қўмита аъзолари Ш.Дехқонов, Ф.Солиев, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг ўринбосари Ш.Атамұхаммедов, Маънавият тарғибот маркази раҳбари Ф.Мирзаев, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази директори ўринбосари Ў.Қаюмовлар ўз маърузалари билан иштирок этди.

Иштирокчилар томонидан миллий қадриятлар ва ўзлгимизни англаш, маънавиятимизга таҳдид, келажакимизга таҳдид эканлиги хусусидаги фикрлар, ахборот маҳоратида глобаллашув ва кучли рақобат шароитида мафкуравий иммунитетни шакллантириш, усиб келаятган ёш авлоднинг медиа саводхонлиги ва интернетдан фойдаланиш маданиятини юксалтириш, интернетнинг миллий сегментини ривожлантириш юзасидан аниқ таклифлар билдирилди. Тadbир якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсия ва қарорлар ишлаб чиқилди.

Манзура БЕҚЧОНОВА, «Туркистон-пресс»

Сергели тумани ҳокимлигида «ягона дарча» тамойили асосида ишлайдиган, янада кенгайтирилган тузилма яратилди. Унда аҳолига интерфаол тарзда турли хизматлар кўрсатилмоқда. Ягона дарча маркази хизмат кўрсатиш услубини ўзгартириш орқали хизматлар жараёнидаги айрим бошқичларни қисқартирган ҳолда янги шаклдаги давлат хизматларини кўрсатади. Ушбу янги аёндашунинг моҳияти шундан иборатки, аҳолига кўрсатиладиган кенг турдаги давлат ва ижтимоий хизматлар бир жойда амалга оширилади, фуқаролар ортиқча вақт сарфламасдан, маълумотнома, лицензия олиш, аккредитациядан ўтиш ва бошқа хизматларни ягона дарча марказида амалга ошириш имконига эга бўлади. Ушбу марказларда газ, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, халқ таълими, электр, соғлиқни сақлаш туман бўлимларининг вакиллари бўлган мутахассислар, ҳокимликнинг тadbиркорлик фаолиятини рўйхатдан ўтказиш бўлими ва бошқа бўлимлари ходимлари хизмат кўрсатади. Аҳоли билан ишлашнинг ушбу барча янги шакллари маъмур хизматларини кўрсатадиган марказларни компьютер техникаси, дастурий махсулотлар, алоқа воситалари билан яхши таъминлашни тақозо этади. Замонавий усуналар билан жиҳозланган янги «Компьютерлаштириш марказлари» давлат унитар корхоналари, ўз навбатида, тегишли ягона дарча марказларига ёрдам кўрсатади.

Мамлакатимизнинг айрим ҳудудларида интерфаол хизматларни жорий этиш бўйича дастлабки қадамлар қўйилди. Масалан, Сирдарё вилояти давлат органларидан электрон ҳужжат айланишини жорий этиш бўйича синов лойиҳаси муваффақиятли амалга оширилди. Бу ўринда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги ва ошқоралигини таъминлайдиган яхлит тизимни барпо этиш, «Сирдарё вилояти портал»ни яратиш ҳамда маҳаллий ҳокимият органларининг фуқаролар, бизнес тузилмалар билан яқиндан ҳамкорлик қилишига кўмаклашадиган бошқа чораларни амалга ошириш кўзда тутилган. Ҳозирги пайтда ҳўжалик юритувчи субъектлардан солиқ ва бухгалтерия ҳисоботини электрон шаклда қабул қилиш тизими бошқичма-бошқич йўлга қўйилмоқда, бўлажак электрон ҳукуматнинг муҳим таркибий қисми бўлган интерфаол давлат хизматлари рўйхати кенгайтирилмоқда.

Виктор НИКОЛАЕВ, ЎЗА муҳбири

ЭЛЕКТРОН ДАСТУР ЯРАТИЛДИ

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис марказида умумтаълим мактабларининг 9-синф ўқувчиларини касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга жалб этиш масаласига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ташхис марказлари раҳбарлари, таълим тизими ходимлари иштирок этган тadbирда 9-синф мактаб ўқувчилари ҳақидаги маълумотларни mb.uzedu.uz сайтига киритиш, ўғил-қизларни касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга жалб этишнинг янги дастурини яратиш масаласи атрофича муҳокама қилинди.

Юртимизда узлуксиз таълим тизимини изчиллик билан давом эттириш, соҳада малакали кадрларни тайёрлаш механизмининг шакллантириш, таълим шакли ва мазмунини тубдан ўзгартириш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада умумтаълим мактабларида таълим-тарбия усулларини такомиллаштириш, ўқув услубий ва моддий техник таъминотини яхшилаш долзарб аҳамиятга эга.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, умумтаълим мактаблари 9-синф ўқувчиларини таълимнинг кейинги босқичига жалб қилиш мақсадида Халқ таълими вазирлигининг uzedu.uz манзилида «Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф битирувчилари ҳужжатларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига қабул қилишнинг электрон дастури» mb.uzedu.uz электрон сайти яратилди.

— 2011-2012 ўқув йилида 9 минг 794 та умумтаълим мактабларини жами 560 мингдан зиёд ўқувчи битиради, — дейди «Туркистон-пресс» муҳбирига Ташхис маркази директори Исмоил Ҳайдаров. — Тadbир айнан битирувчилар тўғрисидаги маълумотларни тўғри таҳлил этиш, фактларни киритиш жараёнида аниқланган камчиликларни жойида бартараф этиш ҳамда бу жараёнда мактаб раҳбариятининг масъулиятини янада оширишга йўналтирилди. Ҳозирги кунда мактабларда режа асосида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва уларни онлиги касб танлашга тайёрлаш мақсадида «Оник эшиклар кўнлари», «Касблар фестивали» тadbирлари, ишлаб чиқариш корхоналари, фермер ҳўжаликларига таништирув ташрифлари амалга ошириляпти. Шунингдек, мактабларда ўтказиладиган ота-оналар мажлисларида Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир чоратadbирлар тўғрисида»ги ҳамда Президентимизнинг «Умумтаълим мактаблари битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим олишларини кенгайтириш чоралари тўғрисида»ги Қарорлари тўғрисида атрофича маълумот берилмоқда.

— Умумтаълим мактабларида 9-синф битирувчиларини қизиқиши, хоҳишига биноан ота-онасининг розилигида академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига тавсиялар бериш мактаб психолог ҳамда синф раҳбари зиммасига юклатилган, — дейди Ташхис маркази мутахассиси Камолитдин Жўрабоев. — Бу борада ҳудудий ҳокимликлар, маҳалла фуқаролар йиғини, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари зиммасига ҳам алоҳида вазифалар белгиланган. Олдимизда турган муҳим вазифалардан бири академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг рўйхати, улардаги таълим йўналишлари ва мутахассисликлар тўғрисидаги маълумотларни мактабларга етказиш ҳисобланади.

Азима ҚИЁСОВА

ЙИҒМА КАТАЛОГЛАР

Бугунги кунда «Турон» ахборот-кутубхона маркази 384 мингдан ортиқ китоб фондига эга. Шулардан 60 га яқинини электрон ҳужжатлар ташкил этади. Мустаҳкам оила йили муносабати билан зиё масканда кўпгина маърифий тadbирларни ўтказиш режалаштирилди.

— «Кутубхоналар марказларининг «Мустаҳкам оила йилидаги вазифалари» мавзусида давра суҳбати ўтказилди, — дейди марказ илмий-услубий бўлими мудири Насиба Омонқалдиева. — Ана шу жараёнда «Мустаҳкам оила — мустаҳкам жамият негизи» номли қўлланма босмага берилди.

Белгиланган тadbирларни амалга ошириш учун давра суҳбатлари, соҳа мутахассислари билан учрашувлар ҳамда савол-жавоб кечалари ўтказиш кўзда тутилди. Янги ташкил этилган йиғма электрон каталоги шўъбаси йўли билан эса электрон каталогларидан бир нечаси юзага келади. Бизнес электрон каталог республика йиғма электрон каталогининг бир қисми бўлиб хизмат қилади. Пойтахтимиздаги мавжуд 100 дан ортиқ ахборот-ресурс марказларини республика интеграл ахборот-кутубхона тармоғига улаш тарадудди қўрилмоқда.

Анвар ВАЛИЕВ

Тарих зарварагини кўздан кечирар эканмиз, бир асрда инсоният тарихида юксак иш қолдирган, кейинги авлодларга ўзининг жамиятдаги маъқеи, илмий, бадиий мероси билан ибрат намунаси бўла оладиган кўпи билан 5-6 нафар шахслар дунёга келишининг гувоҳи бўламиз. Заҳириддин Бобур умрининг ўзи авлодларга ибрат намунасидир. У 47 ёшли қисқа, аммо ижодий баракали, баркамол ҳаётида юз йил яшаб ҳам улгуриш қийин ишларни адо этди.



кўрган, иложи бўлмаган, уларни ҳам маънавий, ҳам ҳарбий жиҳатдан мағлуб этган. Хиндистоннинг биринчи Бош вазири Жа-воҳарлаъл Нерунинг Бобурга нисбатан «дилбар шахс» деган баҳосининг замирида унинг ўта ростгўйлиги, «Бобурнома»даги таъбир билан айтганда «Бу битилганлардан фарз шикоят эмас, рост ҳикояттурким, битибтурмен. Бу мастур бўлгонлардин мақсуд ўзининг таърифи эмас, баёни воқеъи бу эдиким, тахир эйтибтурмен» дегани асос бўлганлиги мумкин.

«Бобурнома»ни мутлолаа этар эканмиз, унинг муаллифининг чеккан азоб-уқубатлари, сарсон-саргардонлиги, айниқса атрофдагиларнинг хиёнати боис кўп азиятларга дучор бўлганини кўрамиз. Шоир Бобур гарчи машҳур бир ғазалида:

